ЎЗБЕКИСТОН МДАНИНГ АЙРИМ ФОНДЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ РЕЖИМИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА МУҲИМ МАНБА

Ф. Бобоев

Мақолада Ўзбекистон ССРда совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини ёритишда Марказий давлат архиви фондларидаги ҳужжатларнинг манбавий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон ССР, Самарқанд вилояти, совет ҳокимияти, сиёсий жараёнлар, иқтисодий аҳвол, "босмачилик", сиёсий ташкилотлар, кўнгиллилар отряди.*

В статье предпринята попытка показать источниковедческое значение материалов Государственного архива Узбекистана в освещении истории вооруженной борьбы против советского режима в Узбекской ССР.

Ключевые слова: *Узбекская ССР, Самаркандская область, советская власть, политический процесс, экономическое положение, «басмачество», политическая организация, отряд добровольцев.*

In the paper author argues soundly for the importance of the Central State Archive's materials as sources in the study of a history of armed movement against Soviet regime in Uzbek SSR.

Key words: *Uzbek SSR, The Samarkand region, the Soviet authority, political processes, economic situation, «the basmachi movement», political organization, detachment of volunteers.*

Ўзбекистон ССРда 1925-1935 йилларда кечган совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА) фондларида сақланаётган ҳужжатлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, мазкур йилларда Ўзбекистон ССР ва дастлаб унинг таркибий қисми бўлган Тожикистон АССРдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳвол тўғрисида ҳужжатларда кўплаб маълумотлар келтирилади. Ушбу жараёнларни ўрганишда Р-86 фонд ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга.

Фонддаги ҳужжатлардан кўринишича, большевиклар томонидан Ўзбекистон ССРнинг чекка ҳудудларида ҳам совет ҳокимиятининг таъсирини кучайтириш, жойларда митинглар ташкил қилиб, кенг оммага коммунистик ғояларни сингдириш ва шу орқали совет режимига қарши қаратилган ҳар қандай тўсиқни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилинган.

Р-86 фонддаги ҳужжатлар бевосита совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини батафсил ёритади дейилса, муболаға бўлади. Фонд ҳужжатларида совет ҳокимияти томонидан қуролли ҳаракатни тугатишга қаратилган турли иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий чораларнинг амалга оширилишини кўриш мумкин. Масалан, совет режимига қарши қуролли ҳаракатни тугатиш учун: 1. Қизил аскарлар сонини кўпайтириш; 2. Кўнгиллилар отрядини ташкил қилиш; 3. Жойларда митинглар ташкил қилиш; 4. "Босмачилик"ни тугатиш комиссияларини тузиш; 5. Босмачилар"дан зарар кўрган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш; 6. Совет ҳокимиятининг сиёсий ва жамоат ташкилотларининг сафини кенгайтириш 7. Маҳаллий аҳолининг тарихи: тили, дини, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган уруғлар ва бошқаларни ўрганиш учун махсус комиссиялар тузиш ҳамда уларни доимий суратда маблағ билан таъминлаш каби чоралар кўрилгани кузатилади. Шунингдек, ушбу фонд ҳужжатларида совет режимига қарши қуролли ҳаракат олиб борган машҳур қўрбошиларнинггина номлари санаб ўтилади, холос. Қўрбошиларнинг қизил аскарлар билан олиб борган жанг тафсилотлари, уларнинг этник таркиби, ҳақида маълумот учрамайди. Бу даврда қўрбошилар қўл остида ҳаракат қилган йигитларнинг сонини аниқ айтиш қийин бўлган. Қачонки қўрбоши йигитлари қизил аскарлар томонидан қўлга олинсагина уларнинг сони аниқланган. Бундай материаллар, асосан, қўрбошилар устидан ўтказилган суд жараёни акс этган ҳужжатларда келтирилади.

Ҳужжатлардан яна шу нарса аён бўладики, мазкур йилларда Ўзбекистон ССРнинг қайси вилоятида совет режимига қарши қуролли ҳаракат давом этаётган бўлса, айнан ўша ҳудудда ҳукумат томонидан кўплаб назорат ва тафтишлар ўтказилган. Бунга Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё

Ф. Бобоев *– ЎзФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси*

ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган назоратларни айтиб ўтиш мумкин [1.4]. Бир сўз билан айтганда, Р-86 фонд ҳужжатлари совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг тугатилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ўз ичига олган.

1925 йилдан кейин ҳам қизил армияга қарши жанглар анча жиддий кечган Самарқанд вилоятидаги сиёсий аҳволни Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) вакили Петва шундай изоҳлайди: “Самарқандда босмачилик бутунлай тугатилди. 1925 йил 14 сентябрда Одилбойнинг отряди ва унинг ҳаракати тугатилди. Яна Ҳамроқул қочиб кетиб яширин равишда иш олиб боряпти. Аммо Ургут, Панжикент ва Ўрта Бухоро вилоятларида босмачилар мавжуд бўлиб, уларни ҳам тугатиш чоралари қабул қилинди [2.94]”. Бундан Самарқанднинг тоғли районларида ҳаракат ҳали тўхтамаганлигини кўриш мумкин.

Яна бир ҳужжатда Самарқанд вилоятида совет режимига қарши қуролли ҳаракат раҳбарлари ва уларнинг таркиби ҳақида маълумот келтирилган. Самарқанд вилояти ижроия комитети вилоятдаги сиёсий ҳолат ҳақида келтирган маълумотда айтилишича, 1925 йил 1 февраль ҳолатига вилоятда ҳаракатланаётган қўрбошилар 4 нафар, йигитлари сони эса 103 нафар. Шундан Самарқанд уездида Ҳамроқулбекнинг 29, Ургут районида Мирза Полвоннинг 33, Ўратепа районида Саид Муроднинг 20 йигити, Хўжанд уездида Турдибой қўрбошининг 21 йигити бўлган. Март ойида ҳаракатланаётган йигитлар сони 81 нафар экани кўрсатилган [2.346].

Совет режимига қарши қуролли ҳаракат кенг тус олган ҳудудлардан бири Сурхондарё вилоятидир. Ҳужжатларда Сурхондарё вилоятида 1925 йилда совет режимига қарши қуролли ҳаракат олиб бораётган йигитлар сони 118 нафар, 6 ой илгари эса 424 нафар бўлгани акс этган [1.4]. Лекин айнан қайси қўрбоши қаерда кураш олиб борган ва йигитлари сони ҳақида алоҳида айтиб ўтилмаган. Сурхондарё вилояти ижроия комитетининг II пленумидаги “босмачилик” билан кураш тўғрисида Хмельков маърузасида келтирилишича, вилоятда 1925 йил 1 апрель ҳолатига 500 йигит 378 қурол-яроғ билан кураш олиб борган. Уларга йирик қўрбошилар Хуррамбек, Мустафоқул, Ўтанбек, Мулла Ражаб, Мавлонбек, Раҳмонбердилар раҳбарлик қилган [1.51]. Сурхондарё вилоятида истиқлолчи йигитларнинг сони 1925 йил 1 апрелда 500 нафар бўлган бўлса, 1 августда 181 йигит ва уларнинг қурол-аслаҳалари 151 тани ташкил қилган [1.52].

Мазкур пленум қабул қилган 12 банддан иборат қарорда вилоятдаги сиёсий жараёнлар ва совет режимига қарши олиб борилаётган қуролли ҳаракатни тугатиш вазифалари белгиланган:

“1. Босмачилар билан кураш фақат қизил армиянинг вазифаси бўлмасдан, бунга совет аппарати ва қуйи партия органлари ҳам масъулият билан ёндашсин, партия ишчилари ва аҳоли орасида босмачилик ғоясини тугатиш лозим.

2. Кўнгиллилар отрядини тузиш давлат доирасида ташкил қилинсин ва унга маҳаллий аҳолининг қўшилишида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмасин.

3. Кўнгиллилар отряди учун таълим-тарбия ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва уларнинг кучини ошириш. Шундай қилинсагина кўнгиллилар ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш (самоохрана) отрядлари душман таъсирига тушиб қолмайди.

4. Қўлга олинган босмачилар устидан ўтказиладиган суд жараёнлари аҳолига кўрсатилсин. Суд ишлари танқидий муҳокама қилинсин.

5. Аввалгидек ҳарбий режимни кучайтириш чораларини кўриш. Райондан чиқиб кетган босмачилар ўз районига қайтиб келмасин” [1.5-6].

Юқоридаги далиллардан кўриш мумкинки, Сурхондарё вилоятида “босмачилик” ғояси билан кураш асосий сиёсий масалага айланган. Мазкур ғоя билан курашиш нафақат бир вилоятда, балки бутун Ўрта Осиё республикаларида кузатилган жараёндир. Бундан мақсад биринчи навбатда халқнинг онгига коммунистик ғояларни чуқур сингдириш ва маҳаллий аҳолини тўлалигича ўз томонига ағдариб олиш ҳамда улардан кўп миқдорда кўнгиллилар отрядини ташкил қилиш, уларни назарий ва амалий жиҳатдан советча андозада тарбиялаш (истиқлолчилар таъсирига тушиб қолмаслиги ёки ҳукуматга қарши чиқмаслиги учун), шунингдек, кўнгиллилардан тузилган милиция отрядларининг сафини кенгайтириш учун ойига 40 рубль тўланган [3.3] ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган.

Ҳукумат амалга оширган чора-тадбирлар натижасида истиқлолчиларга зарбалар бериш кучайгани ҳамда Юрчи уездининг шимолий қисмларида, Боботоғ ва Жарқўрғон (Термиз)даги жангларда кўнгиллилар отряди муҳим роль ўйнаганини кўриш мумкин [1.4].

Ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида Сурхондарё вилоятининг Термиз, Бойсун районлари, Юрчи уезди, Пошхурд кенти ҳамда Боботоғ этаклари истиқлолчилик ҳаракатининг марказлари бўлган деган хулосага келинди.

Сурхондарё сингари Қашқадарё вилоятида ҳам кенг миқёсда совет режимига қарши қуролли ҳаракат олиб борилган. 1925 йилдан бошлаб

бошқа вилоятларда йўлга қўйилганидек, Қашқадарё вилоятининг турли жойларида тарғибот ишларини амалга ошириш учун комиссиялар юборилган. Шулардан бири 1925 йилнинг 3 сентябрдан то 22 ноябргача бўлган муддатда Ғузор уездида ишлаган комиссиядир. Унга Ғузор уездида "босмачилик"ни тугатиш, маҳаллий аппаратни советлаштириш, аҳолининг совет қурилишидаги муаммолари, миллий ҳудудий чегараланиш масаласи, совет ҳокимияти амалга ошираётган чора-тадбирлар ва уларга қишлоқ аҳли, деҳқонларнинг муносабатини ўрганиш топширилган. Шунингдек, комиссия олдига райондаги уруғлар ва уларнинг миллийлигини ҳам ўрганиш вазифа қилиб юклатилди.

Большевикларнинг Ўзбекистон ССР вилоятларига бориб, у ердаги урф-одатлар, маросимлар, анъаналар, уруғ ва этнослар ҳамда уларнинг тарихини ўрганишдан мақсади бу ҳудудларда мавжуд тузумга қарши олиб борилаётган қуролли ҳаракат илдизларини аниқлаш, уларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва ғоявий раҳнамоларини, шунингдек, ютуқ ва камчиликларини ўрганишдан иборат бўлган. Мазкур усуллар орқали истиқлолчиларнинг ҳаракатларини тугатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Ғузорга юборилган комиссия бир нечта қишлоқларда бўлиб, 13 октябрда Ғузор уездининг Оқмачит қишлоғида, 14 октябрда эса Шўргузар қишлоғида йиғин ташкил қилган. Бу йиғинларда 90 киши иштирок этиб, унда одатдагидек "босмачилик" ҳаракатини тугатиш ва миллий-ҳудудий чегараланиш масалалари, совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган маърузалар қилинган [3.63].

Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1925 йилда Ғузор ва унинг атрофидаги туманларда қуйидаги қўрбошилар ҳаракатда бўлган:

Катта ва Кичик Ўран волостида: 1. Эшқул Додхо ва унга бўйсунган бошқа қўрбошиларнинг 60 йигити; 2. Ҳожи Эшон қўрбошининг 13 йигити; 3. Муҳаммади Чўлоқнинг 6 йигити.

Қизилча волостида: Тоғай Ниёз қўрбошининг 20 йигити.

Ёртепа волостида: Шохлибек қўрбошининг 33 йигити.

Ғузор уездида жами 5 та қўрбоши, уларнинг йигитлари эса 132 нафар бўлган [3.1-2].

Улардан ўша йилнинг ўзида Шохилбек қўрбошининг ҳаракати тугатилган. У 1925 йилнинг 2 ноябрида Ғузордан 14 чақирим шимоли-ғарбдаги Жамушди қишлоғида таслим бўлган [4].

Ўзбекистон МДАда 2272-рақамли фонд мавжуд бўлиб, ушбу фонд совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини ёритишда ноёб манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур фонд Александр Иванович Степановнинг шахсий фондидир. А.И.Степанов Ўрта Осиё республикаларида совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг тугатилишида шахсан иштирок этган, ҳатто бундаги фаол иштироки учун № 463328 рақамли грамота билан тақдирланган [5.30-в, орқаси].

Мазкур фонд ҳужжатларида Бухорода амирлик ҳокимиятининг ағдарилиши, Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил этилиши, Шарқий ва Ғарбий Бухородаги совет режимига қарши қуролли ҳаракат ва унинг мағлубиятга учраши, шунингдек, "босмачилик" ҳаракатининг тугатилишида "жонбозлик" кўрсатган совет ҳокимиятининг ҳарбий-сиёсий ташкилотлари ҳамда қизил армия командирлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

А.Степановнинг мазкур ҳужжатлар (даврий чегараси 1921-1931 йиллар [6.1])ни тўплашдан мақсади уларни бир неча жилдга ажратиб нашр қилиш эди. Ҳужжатларда қайд қилинишича, тўпланган материалларнинг 1-жилдини нашр қилиш ишлари 1935 йилга белгиланган [6.20].

А. Степанов тўпланган ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб тавсифлаган:

1. Қизил армия билан боғлиқ ҳужжатлар. Яъни қўрбошилар билан жангларда қатнашган қизил армия командирлари (Я.А.Мелькумов, А.Т.Федин, И.Ф.Федько ва бошқалар), Ҳисор экспедициясига оид рўйхат, буйруқ ва маълумотномалар; 1921 йилдаги Душанбе горнизони билан қўрбошилар ўртасидаги курашлар; 1929 йилда Қоратегин қўрбошиси Фузайл махсумга қарши курашлар, миллий қизил армия қисмларини ташкил этиш тўғрисидаги актлар.

2. Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРдаги қўрбошиларга умумий тавсиф (қизил армия қисмлари штабининг материаллари асосида).

3. Қурултойлар, диний уламолар, нуфузли шахслар ва ишчи деҳқонлар билан боғлиқ ҳужжатлар. Ушбу гуруҳга стенографик ҳисоботлар, совет ҳокимияти томонидан ташкил этилган йиғинлар ва уларнинг совет режимига қарши қуролли ҳаракатни тугатишдаги роли, 1922-1926 йилларда қўрбошилар билан кураш тактикаси ва стратегияси билан боғлиқ ҳужжатлар киритилган [6.1].

4. Қўрбошиларнинг суди билан алоқадор ҳужжатлар. Мазкур гуруҳга Бобожон қўрбоши, Болта Кавказ, Тангриберди додхоҳ ва бошқа қўрбошиларнинг судлари, шунингдек, суд жараёнида қўрбошиларнинг нутқлари ўрин олган.

5. Оқ матбуотда “босмачилик”. Бу гуруҳга “Возрождение”, “Последние новости”, “Руль”, “Молва”, “Соцвестник” ва бошқа газеталарда 1921-1925 йилларда Ўрта Осиёда “босмачилик” ҳаракатининг ёритилиши билан боғлиқ ҳужжатлар жамланган.

6. Қизилкалтакчилар, кўнгиллилар отрядлари, милиция, қизил партизанлар фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар. Бу гуруҳга қизилкалтакчилар, кўнгиллилар отрядларидаги ходимлар биографияси, кўнгиллилар отряди командири Муқим Султоннинг қўрбоши Иброҳимбекни қўлга олишда иштироки каби ҳужжатлар ўрин олган. Мазкур гуруҳ ҳужжатлари 1921-1931 йилларни ўз ичига олиб, улар қизил армия қисмларининг штаби, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР Марказий Ижроия Комитетлари материаллари асосида тўпланган.

7. 1931 йилда Тожикистон ССРдаги “босмачилик”ка қарши қуролли ҳаракат. Мазкур гуруҳга ҳисоботлар, буйруқлар, маълумотномалар, хабарлар, қизил қисм телеграммалари, Иброҳимбекнинг фаолияти: 1) Чалтау тоғидаги кенгаш; 2) Иброҳимбекнинг Тожикистон аҳолисига мурожаатномаси; 3) Иброҳимбекнинг Ҳисор ва Жанубий Тожикистондаги ҳаракати; 4) Чалтау тоғидаги II кенгаш; 5) қўрбошиларнинг районларга мурожаатлари ва жойларда олиб борган тадбирлари; 6) Иброҳимбекнинг Ҳисордаги ҳаракати; 7) Иброҳимбекнинг Боботоққа жўнаши; 8) Иброҳимбекнинг Боботоғдан аҳолига мурожаатлари; 9) Исохоннинг ёрдамчи қилиб тайинланиши ҳамда Сурхондарё ҳудудида: 10) Иброҳимбекнинг Вахш дарёсининг ўнг томонига ўтиши; 11) Иброҳимбекнинг қўлга олиниши; 12) “босмачиликнинг” тугатилиши каби ҳужжатлар ўрин олган.

8. Қоратегин, Матчо, Яғноб водийси ҳамда Ғарбий Бухоро ҳудудларида “босмачилик”ка қарши ҳаракат.

9. Суратлар. Ушбу гуруҳга қизил армия “қаҳрамонлари”, командирлар ва ишчилар суратлари, шунингдек, қизилкалтакчилар, кўнгиллилар отрядлари, қизил партизанлар ҳамда қўрбошиларнинг суратлари киритилган [6.3].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССРда 1918-1935 йилларда кечган совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини: қўрбошиларнинг қизил армияга қарши олиб борган фаолияти, жанг тафсилотлари, ҳаракатлантирувчи кучларнинг миллий таркиби, қўрбошиларнинг жанг олиб бориш тактикаси, йирик қўрбошиларнинг совет ҳокимияти билан олиб борган музокаралари, машҳур қўрбошиларнинг таржимаи ҳоллари, қўрбошиларнинг аҳолига мурожаатлари, маҳаллий аҳоли томонидан қўрбошиларга кўрсатилган ёрдам, диний уламоларнинг совет режимига қарши курашда иштироки ҳамда уларнинг фаолияти ва шу каби бошқа масалаларни ёритишда архив ҳужжатлари бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар ва архив манбалари:

1. ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2393-иш, 4-варақ.
2. ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2462-иш, 94 варақ.
3. ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2466-иш, 3-варақ.
4. Шохилбек қўрбоши таслим бўлди // Қизил Ўзбекистон.- 1925.- 9 ноябрь.
5. ЎзР МДА Р-2272-фонд,1- рўйхат, 1-иш, 30-варақнинг орқаси.
6. ЎзР МДА Р-2272-фонд,1- рўйхат, 12-иш, 1-варақ.

2015 йил 2 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. Қ.Ражабов)